

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1063-ҳадис

1063 - عَنْ أَبِي مُوسَىٰ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ صَلَّى الْبَرَدَيْنِ دَخَلَ الْجَنَّةَ». مُتَّقُ عَلَيْهِ [خ 574، م 635] وسبق برقم 138.

«البردان»: الصُّبُحُ وَالعَصْرُ.

1063. Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким икки салқин (бомдод ва аср) намозларини адо этса, жаннатга киради», дедилар.

Муттафакун алайҳ.

Шарҳ: Бу ҳадиснинг шарҳи 138-рақамли ҳадис остида келтирилган.

«Икки салқин намоз»лари ҳам ҳам бомдод ва аср намоздир. Баъзи уламолар, уни бомдод ва хуфтон, деб атадилар ҳам. Лекин бу ҳадисларда бомдод ва аср намозларига алоҳида эътибор берилишининг боиси бор. Аввало, бу икки намоз ер юзига муҳофаза учун тушиб чиқиб турадиган фаришталар алмашинадиган вақтда ўқилади. Ўша алмашинишдан кейин чиқкан фаришталардан Аллоҳ субҳаноҳу ва таоло: бандаларимни қай ҳолда тарк этиб келдингиз? деб сўрайди.

Шунинг учун ўша вақтларнинг намозини ўқиб турган бандалар катта фазлга эга бўладилар. Шунингдек, бомдод намози ширин уйқу ва дам олиш пайтида, аср намози одамлар майшат учун роса уриниб турган пайтда ўқилади. Ким бу икки намозни ширин уйқуси ва майшатидан кечиб ўз вақтида адо этса, жаннатга киради.

Манба: hadis.islom.uz

